

4-1-2020

WAYS TO ENSURE THE FINANCIAL STABILITY OF THE PENSION FUND WHEN IMPROVING THE STATE PENSION PROVISION

J. Tursunov

Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Tursunov, J. (2020) "WAYS TO ENSURE THE FINANCIAL STABILITY OF THE PENSION FUND WHEN IMPROVING THE STATE PENSION PROVISION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг шакллантирилиши, молиявий ҳолати ва унинг таҳлили ҳамда суғурта бадалларидан тушумлар ва Пенсия жамғармасидаромадларининг корреляцион таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган, жамғарма молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: пенсия, пенсия таъминоти тизими, Пенсия жамғармаси, ягона ижтимоий тўлов, ижтимоий суғурта, молиявий барқарорлик, корреляция коэффициенти

ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПЕНСИОННОГО ФОНДА ПРИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

В данной статье рассмотрены вопросы формирования доходов и анализа финансового состояния внебюджетного пенсионного фонда и проведен корреляционный анализ поступлений страховых премий и доходов пенсионного фонда. А также проанализированы факторы, влияющие на финансовое состояние пенсионного фонда и выработаны предложения и практические рекомендации по обеспечению финансовой устойчивости фонда.

Ключевые слова: пенсия, пенсионная система, Пенсионный фонд, единый социальный платеж, социальное страхование, финансовая стабильность, коэффициент корреляции

WAYS TO ENSURE THE FINANCIAL STABILITY OF THE PENSION FUND WHEN IMPROVING THE STATE PENSION PROVISION

This article discusses the issues of revenue generation and analysis of the financial condition of an extrabudgetary pension fund and carries out a correlation analysis of insurance premium income and pension fund income. It also analyzes the factors affecting the financial condition of the pension fund and develops proposals and practical recommendations for ensuring the financial stability of the fund.

Keywords: pension, pension system, Pension Fund, single social payment, social insurance, financial stability, correlation coefficient

Кириш

Мамлакат тараққиёти фуқаролар турмуш кечирish даражасининг яхшиланишида намоён бўлади. Шунингдек, аҳолининг кексайганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганида турмуш даражасини яхшилашга ва уларни камбағалликдан ҳимоялашда пенсия таъминоти тизими энг муҳим ижтимоий ҳимоя институтларидан бири сифатида хизмат қилади. Хусусан, мамлакатда икки даражадаги пенсия тизими, яъни давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимлари амал қилиб турган бир даврда давлат пенсия таъминоти тизимининг самарали фаолият кўрсатиши ва унинг молиявий барқарорлиги уша мамлакатнинг ижтимоий фаровонлиги даражасини оширишга бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам давлат пенсия таъминотини такомиллаштиришда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Пенсия таъминотида давлат пенсияси муҳим аҳамиятга эга бўлмаган давлатлар ҳам мавжуд бўлиб, “Германияда пенсия тизими учта устунга асосланади: давлат пенсиялари, иш берувчилар (касбий, корпоратив) пенсиялари ва шахсий (нодавлат) пенсиялар”[1]. Бунда албатта асосий пенсия иш берувчи ва нодавлат пенсиялар ҳисобланади.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва уни такомиллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[2] асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги, шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидатаъкидлаган қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: “Охирги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ижтимоий ислоҳотларни давом эттираемиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади”[3].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Халқаро иқтисодчи олимлар Д.Амаглобели, Х.Чаи, Э.Дабла-Норрислар пенсия таъминотини молиялаштиришда миллий жамғармаларга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлашади, шунингдек демографик ўзгаришлар кескин тус олаётган бир пайтда индивидуал капиталлашувни ошириш пенсия таъминоти барқарорлигини кафолатлашини тадқиқ этишмоқда[4].

Россиялик иқтисодчи олим В.Роик Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини оширишда ижтимоий суғуртанинг роли, унинг аҳамияти бўйича ўзининг илмий тадқиқотларини олиб борган [5].

Ўзбекистонлик олимлардан Д.Рустамов[6] ва Ш.Давроновларнинг[7] илмий ишларида Ўзбекистонда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари, Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ҳамда Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш истиқболлари тадқиқ этилган бўлиб, улар

юзасидан муҳим илмий хулосалар шакллантирилган ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бу пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Бугунги кунда Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида тайинлаш, тўлиқ миқдорда молиялаштириш, тўловлар устидан мониторинг юритиш, пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағларнинг мақсадлилиги юзасидан назоратни кучайтириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистонда пенсия таъминотини амалга оширувчи асосий молиявий муассаса бўлган Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига Пенсия жамғармасига жамланадиган маблағларнинг ҳажми ва уларнинг ўз вақтида ундирилиши ҳамда Пенсия жамғармасидан тўланадиган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларнинг молиялаштирилиши таъсир кўрсатади. Давлат пенсия фондлари барқарорлигини таъминлаш макроиқтисодий нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, бу борада АҚШлик олим Jung Peng томонидан айтилган фикрлар аҳамиятлидир: "...пенсия таъминоти бошқаруви, нафақат, пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигига, балки бутун давлат секторининг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади, шу сабабли пенсия таъминоти бошқаруви давлат пенсия тизимига пенсия бадалини тўловчи ва келгусида ундан ҳукумат томонидан кафолатланган пенсия тўловларини олувчи ҳар бир шахсга дахлдор бўлмоғи лозим" [8].

"Пенсия таъминоти тизимининг асосий молиявий институти – бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлиб, унинг молиявий барқарорлиги, биринчидан, тўғридан-тўғри аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизими барқарорлигига, иккинчидан, Пенсия жамғармасига тўланиши лозим бўлган мажбурий тўловлар ва бадаллар ҳамда бошқа тўловларга боғлиқ бўлади. Қолаверса, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги давлатнинг ижтимоий функциясига ижобий таъсир қилади. Шу сабабли мазкур жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларининг мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилиши, тушумларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашга эришиш Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади" [9].

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомга қўра Пенсия жамғармаси маблағлари мажбурий тўловлар ва бадаллар, шунингдек бошқа тўловлар ҳисобига шакллантирилади [10].

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар,

бадаллар, шунингдек, бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлаш белгиланган”[11]. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан Пенсия жамғармасига ундириладиган маблағлар солиқларга тенглаштирилган бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан мажбурий равишда ундирилади ва маблағларнинг ўз вақтида тўлиқ ундирилиши Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган.

Сўнгги йилларда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш юзасидан кенг қўламли ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор мамлакатимиз ҳудудларида иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўлашдаги мавжуд аҳволни танқидий таҳлил қилиш натижасида қабул қилинган бўлиб, 2017 йил феврал ойидан бошлаб[12]:

– барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

– 58 тоғли ва олис туманларда жойлашган бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, ушбу туманлар аҳолисига ижтимоий тўловлар ҳам ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

– олий ўқув юртлари талабаларига стипендия тўлаш 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда нақд шаклда амалга оширилиши белгиланган.

Фикримизча, ушбу қарор ижросини таъминлаш иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ вазиятни тубдан яхшилаш ва фуқароларнинг ўз пул маблағларини ўзларига қулай шаклда олиш бўйича қонуний ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

“Пенсия таъминоти тизимини ислох этишнинг муҳим сабаби давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларини бажариш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслигидир. Ушбу муаммо аҳолининг кексайиб боришига мувофиқ кучайиб, мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиққан ҳолда алоҳида аҳамият касб этади”[13].

1-жадвал

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ва унинг ялпи ички маҳсулотга нисбати[14]

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Ялпи ички маҳсулот (номинал) млрд. сўмда	97929,3	118987	144868	171369	249130	407514,5	424100

Пенсия жамғармасы маблағлари млрд. сўмда	8065,4	10302,1	13013,7	16557	19505,1	23240,1	23656,6
Пенсия жамғармасы маблағларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, %да	8,2	8,7	9,0	9,7	7,8	5,7	5,6

1-жадвал маълумотларида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 2018 йилда 2012 йилга нисбатан 4 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин. Аммо Пенсия жамғармасы маблағларининг ЯИМдаги улушини охириги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. 2019 йил прогнозларига кўра эса 5,6 фоизни ташкил қилмоқда.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 2019 йилга қадар қуйидагилар ҳисобига шакллантирилган:

- ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар;
- фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари;
- товарлар (хизматлар, ишлар) реализацияси ҳажмига нисбатан мажбурий ажратмалар;

- бошқа даромадлардан шакллантириб келинган

Пенсия жамғармасини молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан амалиётда Пенсия жамғармасининг даромадларидан ташқари юқорида келтирилган тўрт гуруҳга кирувчи маблағларнинг Пенсия жамғармасининг ресурслари сифатида тегишли йиллар давомида фойдаланилаётганлиги, аслида ижтимоий суғуртанинг ва унинг энг муҳим таркибий қисми бўлган Пенсия жамғармасининг иқтисодий ҳолатига, тўғри келмайди. Мамлакатимиз амалиётида ушбу ҳолатнинг мавжудлиги пенсия таъминоти тизимини молиялаштиришни унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Шу муносабат билан, 2008-2019 йиллардаги Пенсия жамғармасы ресурсларининг ҳолатини характерловчи рақамларни таҳлил этишимиз лозим.

2-жадвал

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий тўлов тарифлари динамикаси (%) [14]

Йиллар	Пенсия жамғармасига иш берувчиларнинг ягона ижтимоий тўлови	Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари	Товар (иш, хизматлар) қийматидан мажбурий ажратмалар
2008	24	2,5	1
2009	24	3,5	1
2010	25	4	1,5
2011	25	4,5	1,6
2012	25	5,5	1,6
2013	25	6	1,6
2014	25	6,5	1,6

2015	25 (15)	7,0	1,6
2016	25 (15)	7,5	1,6
2017	25 (15)	8,0	1,6
2018	25 (15)	8,0	Бошқа давлат мақсадли жамғармалар билан биргаликда умумлаштирилган ҳолда ажратилади, кейинчалик уни қайта тақсимлаш шарти билан
2019	25 (12)	-	-

Пенсия жамғармасига ўтказиладиган даромад манбаларини ставкалари келтирилган. Бунда ягона ижтимоий тўлов ва мажбурий суғурта бадалли асосий рол ўйнаганини кўришимиз мумкин.

3-жадвал

2013-2018 йилларда Пенсия жамғармаси даромадлари, млрд. сўмда[14]

№	Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.	Йил бошига қолдиқ	602,2	1067,3	2592,0	2568,3	2282,0	3007,5
2.	Ягона ижтимоий тўловдан ажратма	5907,4	7299,5	8324,2	9474,0	10226,0	11808,0
3.	Суғурта бадаллари	1482,7	1877,2	2463,8	3235,0	3993,9	4466,3
4.	Маҳсулот (хизмат) реализацияси ҳажмидан мажбурий ажратмалар	1591,3	1933,0	2063,8	1527,0	1429,7	2059,9
5.	Бошқа даромадлар	718,5	836,7	1113,1	1309,0	1573,5	1898,4
Жами маблағлар		10302,1	13013,7	16557,0	18113,3	19505,1	23240,1

3-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, Пенсия жамғармаси даромадлари 2013 йилда 10527,5 млрд.сўм бўлган бўлса, 2018 йилга келиб 23240,1 млрд.сўмга етган. Бу эса 2018 йилда даромадлар 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин. Даромадлар таркибида ягона ижтимоий тўлов асосий рол ўйнамоқда, жумладан, 2013 йилда ягона ижтимоий тўловдан келиб тушган маблағлар 5957,4 млрд.сўм бўлган бўлса, 2018 йилга келиб 11808 млрд.сўмни ташкил этиб, 103 фоизга ёки 1,1 баробарга кўп демакдир. Бошқа даромадлар манбаларини ошганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

2019 йилда пенсия таъминоти тизимида амалга оширилган ўзгаришлар Пенсия жамғармаси даромадлари таркибида ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Мазкур ўзгаришлар қуйидагилардир:

– ўтган 2018 йил ҳолатига кўра аксарият ишловчилардан ташқари колган барча ишловчи пенсионерларга пенсиянинг 50 фоиз миқдори тўланади

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.11.1995 йилдаги ПФ-1289-сон Фармони). Тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ишловчи пенсионерлар тоифаси (ногиронлар, уруш қатнашчилари ва маълум бир лавозимлар) 2018 йил 1 май ҳолатига кўра 31 тани ташкил қилмоқда. Бироқ шу пайтгача 100 фоиз пенсия оладиган ишловчи пенсионерларнинг барча тоифалари битта тўлиқ рўйхат ҳолига келтирилмаган, улар турли норматив ҳужжатларда алоҳида кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5597-сон Фармонига кўра 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиш бошланди[15];

– Пенсия жамғармасининг асосий даромад манбаи ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) ҳисобланади. Ушбу тўлов иш берувчи томонидан умумий иш ҳақи фондидан тўлаб берилади. 2018 йил ҳолатига кўра ЯИТ миқдори барча юридик шахслар учун 25 фоиз (24,8 фоизи – Пенсия жамғармасига; 0,1 фоизи – Бандлик жамғармасига; 0,1 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига), микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун 15 фоиз (14,8 %и – Пенсия жамғармасига; 0,1 фоизи – Бандлик жамғармасига; 0,1 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига) этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 26-декабрдаги ПҚ-4086 сон Қарорига[16] кўра 2019 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши бўлган юридик шахслар – 25 фоиз миқдорда (99,2 фоизи – Пенсия жамғармасига; 0,4 фоизи – Бандлик жамғармасига; 0,4 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига) ҳамда 1 бандга тегишли бўлмаган бошқа юридик шахслар – 12% миқдорда (98,4 фоизи – Пенсия жамғармасига; 0,8 фоизи – Бандлик жамғармасига; 0,8 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига) ЯИТ тўлашлари белгиланди;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағлари манбалари ичида келиб тушиш ҳажми бўйича ягона ижтимоий тўловдан кейинги ўриндаги аҳамиятга эга даромад манбаси ҳисобланади. Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларининг ставкаси 2018 йил ҳолатига кўра 8 фоизни ташкил қиларди. Бу йиллар давомида кўтарилиб келди. 2019 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари бекор қилинди;

– маълумки, юридик шахслар томонидан мақсадли жамғармаларга белгиланган ставкаларда мажбурий ажратмалар ўтказиб борилади, жумладан, Пенсия жамғармасига ҳам. Юридик шахслар томонидан 2017 йилда Пенсия жамғармасига товар(иш, хизмат)ларнинг айланмасидан 1,6 фоиз миқдорда мажбурий ажратма ўтказилган. Юридик шахсларнинг солиқ юки юқорилиги сабаб, солиқ тизимида бир мунча ўзгаришларни амалга оширишга сабаб бўлди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон Қарори билан 2018 йил 1 январдан бошлаб юридик шахсларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг

моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаларига ажратаётган мажбурий ажратмалари соддалаштирилди ва умумий 3,2 фоиз (46,88 (1,5%) фоизи – Пенсия жамғармасига; 43,75 (1,4%) фоизи – Республика йўл жамғармасига; 9,37 (0,3%) фоизи – Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига) этиб белгиланди. Сўнгра, 2018 йилда солиқ тизимида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида ишлаб чиқилган янги Солиқ Концепциясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон Қарори билан 2019 йил 1 январдан Пенсия жамғармасига тўланадиган юридик шахсларнинг мажбурий ажратмалари бекор бўлди ва ягона солиқ тўловидан ажратмалар (ПҚ-4086-сон Қарорнинг 7 иловаси) белгиланди, яъни, ягона солиқ тўловидан шаклланадиган маблағларнинг тақсимланиши куйидагича белгиланган:

46 фоизи – Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига;

46 фоизи – Пенсия жамғармасига;

4 фоизи – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига;

4 фоизи – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясига.

Амалга оширилган ўзгаришлар бир томондан аҳолининг реал даромадларининг ошишига, пенсионерларнинг пенсиялари кўпайишига, уларнинг турмуш тарзининг яхшиланишига сабаб бўлса, иккинчи томондан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини сезиларли равишда пасайишига олиб келади. Бу эса 2019 йилда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига пенсия тўловлари учун 4,7 млрд.сўм[16] миқдоридаги субсидия республика бюджетидан ажратиш режалаштирилишига сабаб бўлди. 2020 йилда эса бу кўрсаткич 8,0 млрд.сўм[17] миқдорида режалаштирилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотимиз натижасида Пенсия жамғармаси маблағларини такомиллаштириш мақсадида иш ҳақидан мажбурий ундириладиган суғурта бадалини қайтадан жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Мазкур манбанинг жамғарма даромадлари таркибидаги ўрнини юқорида келтирилган жадваллардан ҳам кўришимиз мумкин.

Шунингдек, суғурта бадалларини ишловчилардан ундирилиши, меҳнат стажи сифатида туланган даврларнинг ҳисобга олиниши ҳамда энг муҳими ҳисобланган даромадлар пенсия ҳисоблаш учун ҳисобга олиниши албатта мазкур манбанинг юқори аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлашда суғурта бадалларини таъсирини билиш мақсадида корреляцион таҳлил усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда икки кўрсаткич – суғурта бадалидан тушумлар (X) ва Пенсия жамғармаси даромадлари (Y) ўртасидаги корреляция коэффициентини аниқлаймиз. Буни эса куйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$R_{xy} = \frac{\sum (X_i - \bar{X})(Y_i - \bar{Y})}{\sqrt{\sum (X_i - \bar{X})^2 \sum (Y_i - \bar{Y})^2}}$$

2013-2018 йиллар оралиғидаги кўрсаткичлар бўйича (2.4-жадвал) ҳамда юқоридаги формула асосида суғурта бадали ва жамғарма даромадлари боғлиқлигини ҳисоб-китоб қиламиз:

$$\bar{X} = (1482,7 + 1877,2 + 2463,8 + 3235 + 3993,9 + 4466,3)/6$$

Бундан $\bar{X} = 2919,8$

$$\bar{Y} = (10302,1 + 13013,7 + 16557 + 18113,3 + 19505,1 + 23240,1)/6$$

Бундан $\bar{Y} = 16788,5$

4-жадвал

2013-2018 йилларда Пенсия жамғармаси даромадлари ва суғурта бадали тушумлари миқдори, млрд. сўмда[14]

Йиллар	Суғурта бадалидан тушумлар миқдори – X	Пенсия жамғармаси даромадлари – Y
2013	1482,7	10302,1
2014	1877,2	13013,7
2015	2463,8	16557,0
2016	3235,0	18113,3
2017	3993,9	19505,1
2018	4466,3	23240,1
Жами:	17518,9	100731,3

Келтирилган жадвал маълумотлари асосида қуйидаги натижаларга эга бўламиз:

5-жадвал

Пенсия жамғармаси даромадлари ва иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари омилларининг корреляцион таҳлили

Йиллар	$X_i - \bar{X}$	$Y_i - \bar{Y}$	$(X_i - \bar{X}) * (Y_i - \bar{Y})$	$(X_i - \bar{X})^2$	$(Y_i - \bar{Y})^2$
2013	-1437,1	-6486,4	9321605,4	2065256,4	42073385
2014	-1042,6	-3775	3935815	1087014,7	14250625
2015	-456	-231,5	105564	207936	53592,2
2016	315,2	1325	417640	99351	1755625
2017	1074,1	2716,5	2917792,6	1153691	7379372,2
2018	1546,5	6451,5	9977245	2391662,2	41621852,2
Жами:	0,0	0,0	26675662,0	7004911,3	107134451,6

Келтирилган 5-жадвал маълумотлари асосида Пенсия жамғармаси даромадларининг ўзгаришига суғурта бадалларидан келиб тушган тушумлар орасидаги корреляция коэффицентини топамиз. Бунинг учун қуйидаги ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади:

$$R_{xy} = \frac{\sum (X_i - \bar{X})(Y_i - \bar{Y})}{\sqrt{\sum (X_i - \bar{X})^2 \sum (Y_i - \bar{Y})^2}}$$

$$R_{xy} = \frac{26675662,0}{\sqrt{7004911,3 * 107134451,6}}$$

$$R_{xy} = 0,9737$$

Демак, корреляция коэффициенти 0,9737 га тенг. Мазкур натижадан хулоса қилсак, суғурта бадали бўйича тушумлар ҳажми Пенсия жамғармаси даромадлари ҳажмининг ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқдир яъни натижа 0,9737 га тенг бўлиб, йиғинди 1 га жудаям яқин.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қиладиган бўлсак, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси давлат пенсия таъминотини молиялаштириш билан шуғулланадиган ягона марказлашган жамғарма эканлигини ҳисобга олиб, жаҳонда, шу жумладан мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий ва демографик ўзгаришлар натижасида салбий таъсирлардан жамғармани ҳимоя қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади ва бу эса доимий равишда илмий ва амалий изланишлар олиб боришлигини тақозо этади.

Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини молиялаштиришнинг молиявий манбаларини такомиллаштиришда қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси молиявий манбаларини такомиллаштиришда амалга оширилган корреляция боғлиқлиги натижаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлашда суғурта бадали тўловлари бўйича тушумлар миқдорини кўпайтириш энг муҳим омил эканлигини ҳисобга олиб, 2019 йилдан ундирилиши бекор бўлган ишловчиларнинг иш ҳақиларидан мажбурий тартибда ундириладиган суғурта бадалини қайта босқичма-босқич жорий қилиш мақсадга мувофиқ ва бу албатта жамғарма даромадларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг йил бошига ва йил охирига ижобий салдога эга эканлигини, бўш турган пул маблағларини фақат тижорат банкларига фоиз ҳисобига депозитларга жойлаштирилаётганлигини ҳисобга олиб, жамғарма маблағларини инвестицион фаолиятга кенгроқ жалб қилиш керак.

3. Бўлажак пенсионерларнинг пенсия ёшига етганида етарли даражада пенсия билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда давлат кафолати остида нодавлат пенсия фондларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Eibich P., Siedler T. Retirement, intergenerational time transfers, and fertility. *European Economic Review*. Volume 124, May 2020, P 3. www.scopus.com

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь, № 19 (7521)

4. David Amaglobeli, Hua Chai, Era Dabla-Norris, Kamil Dybczak, Mauricio Soto, and Alexander F. Tieman. The Future of Saving: The Role of Pension System Design in an Aging World. IMF STAFF DISCUSSION NOTE. INTERNATIONAL MONETARY FUND. P 47.

5. Роик В.Д. Экономика, финансы и право социального страхования: Институты и страховые механизмы / Валентин Роик. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – 257 с.

6. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 200 б.

7. Ш.З.Давронов. “Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш”. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2019. – 56 б.

8. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 5.

9. Маматов Б.С., Ачилов У.У. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2017 йил.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 30-сонли қарори асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси тўғрисида”ги Низом.

11. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 37-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сонли Қарори.

13. Маматов Б.С. Пенсияжамғармасифаолияти. Ўқувқўлланма. – Т.: “Баркамолфайзмедиа”, 2017. – 73 б.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги 1675-сонли, 2012 йил 25 декабрдаги 1887-сонли, 2013 йил 25 декабрдаги 2099-сонли, 2014 йил 4 декабрдаги 2270-сонли, 2015 йил 22 декабрдаги 2455-сонли, 2016 йил 27 декабрдаги 2699-сонли, 2017 йил 29 декабрдаги 3454-сонли, 2018 йил 26 декабрдаги 4086-сонли қарорлари

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5597-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26

декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида” ПҚ-4086 сонли Қарори.

17. Фуқаролар учун бюджет – 2020 лойиҳа. Манба: openbudget.uz